

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАРОРИ ЛОЙИХАСИ

Тадбиркорлик субъектлари учун бизнес жараёнларида электрон ҳужжатлар айланиши тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (ID-69994)

Жорий йилнинг 22 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан “очиқ мулоқоти” доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, бизнес учун ҳужжатларни (шу жумладан архив, банк, солиқ, статистика соҳаларида юритиладиган ёки тегишли давлат хизматларини олишда фойдаланиладиган ҳужжатларни) қоғоз шаклида сақлаш ва давлат идораларига топшириш амалиётини тадбиркорлар иштирокида кенг муҳокама қилиниши натижаларига кўра:

1. “Ўзархив” агентлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси 2023 йил 1 январь кунигача “Ўзархив” ва Давлат статистика қўмитаси томонидан ўрнатилган ҳужжатлар рўйхатлари ва уларни сақлаш муддатлари инвентаризациясини ўтказсин ва қуйидаги ҳужжатларни аниқласин:

- хўжалик субъекти ихтиёрига кўра сақланиши лозим бўлган;
- давлат органларининг ахборот тизимларида фақат электрон шаклда сақланиши лозим бўлган;
- хўжалик юритувчи субъект томонидан қоғоз ёки электрон шаклда мажбуран сақланиши лозим бўлган ҳужжатларни.

Инвентаризация натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори тайёрлансин.

2. Белгилансинки:

а) давлат архивига қоғоз шаклида тақдим этиладиган жисмоний шахсларнинг 2022 йил 1 январдан кейин ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган солиқ суммалари тўғрисидаги ҳужжатларни давлат архивига топшириш амалиёти бекор қилинади. Бунда, иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг ҳисобланишида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами юритилиши ишончлилиги бўйича жавобгарлик солиқ тўловчи ташкилотларнинг мансабдор шахслари зиммасига юклатилади.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар бир жисмоний шахс ўзининг ҳисобланган даромадлари ва улар бўйича тўланган жисмоний шахсларнинг даромад солиғи маълумотларни олиш бўйича soliq.uz мобиль иловасида “иш ҳаққини текшириш” интерактив хизмати йўлга қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;

б) 2022 йил 1 январдан тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органлари ва ташкилотларига электрон тарзда топширилган ва қабул қилинган молиявий, солиқ ва статистика ҳисоботларини қоғоз шаклида сақламаслик ҳамда давлат архивига топширилмаслик ҳуқуқи берилсин.

Бунда, солиқлар ва йиғимларни тўғри ҳисобланганлигини аниқлаш учун зарур бўлган бухгалтерия ва солиқ ҳисобига оид бирламчи ҳужжатлар (электрон ҳисоб-фактуралар ва онлайн назорат-касса машиналарининг чеклари нусхалари бундан мустасно) тадбиркорлик субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда сақланиши лозим.

Лицензияланадиган фаолиятни ёки рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб таомилига кўра фаолиятни амалга оширувчи солиқ тўловчилар лицензия олиш ва лицензия талабларини бажариш билан боғлиқ ҳужжатларни сақлаш тартиби қонунчиликка мувофиқ даъво муддати даврида сақлаб қолинади;

в) 2024 йил 1 январдан ўзининг бухгалтерия ва солиқ ҳисобини дастурий таъминот ёрдамида юритган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия регистрлари ва бошқа ҳисоб ҳужжатларини давлат архивига электрон тарзда тақдим этиш ҳуқуқи берилади;

г) 2023 йил 1 январдан бошлаб:

молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти асосида тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари ушбу ҳисоботларни солиқ органларига чорақлик топшириш амалиёти бекор қилинади;

айланмадан олинандиган солиқнинг қатъий белгиланган суммасини тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари солиқ органларига молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мажбуриятидан озод этилади.

3. 2023 йил 1 январдан бошлаб иловага мувофиқ тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган статистика ҳисоботлари топширилиши бекор қилинади.

Бунда мазкур маълумотларни қоплаш иловада келтирилган тегишли вазирлик ва идораларнинг маъмурий маълумотлари асосида ҳар йили Ҳукумат томонидан тасдиқланадиган Статистика дастурига мувофиқ Давлат статистика қўмитасига тақдим этиш орқали амалга оширилади.

4. Давлат статистика қўмитаси (Б.Бегалов) статистика ҳисоботларини мақсадга мувофиқлиги, оптималлаштириш ва уларни топшириш муддатларини қайта кўриб чиқсин. Бунда, солиқ органларида мавжуд маълумотлар статистика ҳисоботларига киритилмайди, аксинча солиқ ҳисоботлари орқали тақдим этилган маълумотларни ўзаро алмашиш орқали қабул қилинади.

5. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан тегишли давлат органларига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар 2023 йил 1 январдан:

- давлат солиқ хизмати органларига;
- таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга тақдим этилади.

Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан олинadиган молиявий ҳисоботлар маълумотларини электрон шаклда қўйидагиларга тақдим этадилар:

- давлат статистика органларига;
- қонунчиликка мувофиқ бошқа органларга.

Давлат статистика қўмитаси (Бегалов Б.) Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда (Кудбиев Ш.):

- молиявий ҳисоботларда мавжуд маълумотларни статистик ҳисоботлардан чиқариб ташласин;
- бир ой муддатда статистик ҳисоботлардан бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларига ҳисоботлар тарзида топшириладиган бошқа ахборотларни чиқариб ташлаш борасида таклифлар киритсин;
- жорий йил охиригача ахборот технологияларини ривожлантириш вазирлигининг иштирокида солиқ ва статистик органлар ўртасида ахборот алмашинувининг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиб, жорий этсин.

6. Меҳнат вазирлиги Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда бир ойлик муддатда:

- қонунчилик нормаларини қайта кўриб чиқсин, шунингдек, электрон шаклдаги кадр ҳужжатлари айланмасини йўлга қўйиш учун техник шароитлар яратсин;
- Ф-6 шаклдаги "Ишлаётган ва брон қилинган ҳарбий хизмат ёшидаги ходимлар сони» номли ҳисоботни бекор қилсин;
- алиментлар бўйича мажбуриятларни ҳисобга олишнинг бутун тизимини электрон шаклга ўтказсин;
- Т-2 шаклидаги шахсий карточкаларни тўлдириш ва сақлаш амалиётини бекор қилсин. Тегишинча, Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ҳам бекор қилинсин.

7. Хўжалик юритувчи субъектлар ички ҳужжат айланмасини мустақил ташкил этишлари белгилансин, шу жумладан ҳужжатларни фақат электрон

шаклда тузиш билан, башарти бунинг учун фойдаланиладиган дастурий маҳсулотлар:

- лицензияланган бўлса;
- фойдаланувчиларни логин ва пароль ёрдамида авторизация қилишни назарда тутса.

8. Марказий банк (М.Нурмуратов) тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларининг бизнес жараёнида банк хизматлари (шу жумладан кредитлар бериш) билан боғлиқ бўлган операцияларни масофадан амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни давлат органларида мавжуд маълумотлар ва миждозларнинг электрон ҳужжатларига асосан хизмат кўрсатилишини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

9. “Ўзархив” агентлиги (Юсупов):

Ўзкомназорат ҳузуридаги “Ахборот технологиялар ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 январга қадар “Архив” ахборот тизимини тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан интеграция қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг дастурий таъминот воситасида жамланган ҳисоб ҳужжатларини фақатгина электрон кўринишда қабул қилиш, сақлаш ҳамда сўровга кўра тақдим этиш амалиётини йўлга қўйсин.

Адлия вазирлиги (Давлетов) билан биргаликда ҳужжатларнинг тури ва уларнинг муддатларини белгилаш мақсадида тадбиркорлик субъектлари фаолиятда шаклланадиган ҳужжатларининг сақлаш муддатлари кўрсатилган намунавий рўйхатини ишлаб чиқсин ва давлат рўйхатидан ўтказсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникациялари вазирлиги, “Ўзархив” агентлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан:

- уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Ишончли учинчи томон” тамойили асосида берилган электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконини берадиган “Ягона электрон ҳужжатлар” тизимини ишлаб чиқишсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумотлар базасини яратиш ҳамда юритиш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини киритсин;

- ДСК, Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат вазирлиги ва Халқ банк ҳисобот шаклларига киритилган бир хил кўрсаткичларни автоматик тарзда акс этирилишини ушбу ташкилотларнинг рақамли тизимларини интеграция қилиш ёки бошқа техник усул билан таъминлаш;

Ишончли шахснинг ишончномадаги ЭРИси бўлиши талабини бекор қилиш. Юридик шахснинг манзилига келган барча ҳужжатларни, уларда ишончли шахсларнинг ЭРИси бор-йўқлигидан қатъий назар, кўриб чиқишнинг техник имкониятини тақдим этиш.

11. 2023 йилнинг 1 январь кунидан хўжалик юритувчи субъектлар учун (йирик солиқ тўловчилардан ташқари):

- солиқ ҳисоботларини ойлик даврдан чораклик даврга ўтказиш - ойлик солиқ ҳисоботларини топширган субъектлар учун;

- солиқларни тўлаш муддатларини ойлик даврдан чораклик даврга ўтказиш – шу пайтгача солиқларни тўлаш муддатлари ойлик бўлган субъектлар учун;

- аванс тўловларини тўлаш муддатларини ҳар ойдан ҳар чораклик қилиб белгилаш, бунда фойда солиғи бўйича аванс тўловларини бекор қилиш.

Йирик солиқ тўловчилари бўйича минтақалараро давлат солиқ инспекциясига солиқ ҳисоботларини тақдим этувчи йирик солиқ тўловчилари учун аввал амалда бўлган солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқ тўлаш муддатлари сақланади.

Молия вазирлиги (Ишметов Т.) ва Давлат солиқ қўмитаси (Кудбиев Ш.) бир ойлик муддатда:

- Солиқ кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишсин;

- кичик тадбиркорлик субъектларига йиллик молиявий ҳисоботларнинг соддалаштирилган шакллари ишлаб чиқишсин.

12. Ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи, ЖШДСни ҳисобга олиш жойида эмас, бошқа жойда тўлаш мажбурияти бўлган солиқ тўловчиларнинг барча тоифалари учун солиқ ҳисоботларини топширишни марказлаштириш. Тегишли солиқ ҳисоботларига солиққа тортиш объектининг жойлашган жойини аниқлаш учун қўшимча маълумотлар устуни киритилсин.

13. Давлат идораларига, агар зарур ахборот давлат ва бошқа ахборот тизимларида мавжуд бўлса, унда юридик ва жисмоний шахслардан қоғоз ҳужжатларни сўраб олиш таъқиқланади.

Адлия вазирлиги бир ойлик муддатда давлат идоралари масъул шахсларининг ҳужжатларни (шу жумладан қоғоз ҳужжатларни) ноқонуний талаб қилиш учун жавобгарлигини киритиш бўйича таклиф киритсин.

14. Ахборот технологиялари ва коммуникациялари вазирлиги, “Ўзархив” агентлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда: 2023 йил 1 июнгача “Ўзбекистон Республикасида ҳужжатлар айланмасини рақамлаштиришни жадаллаштириш концепцияси”ни ишлаб чиқсин, унда қуйидагилар кўзда тутилсин:

- юридик жиҳатдан аҳамиятли ҳужжат айланмасини йўлга қўйиш учун тўлақонли меъёрий, ташкилий ва технологик асос яратиш;

- электрон ҳужжатларни яратиш, уларнинг айламаси, сақланиши ва фойдаланилиши учун ягона методология ишлаб чиқиш;

- ҳужжатларнинг қоғоз шаклидан электрон кўринишига ўтишнинг навбати, ўтишнинг мажбурийлиги ва ихтиёрийлиги;

- электрон имзони қўллашни кенгайтириш учун шароитлар яратиш;

- электрон ҳужжат айланмасини EDIFACT стандарти бўйича ташкил этиш, бу миллий ҳужжат айланмасини халқаро тизимлар билан интеграция қилишга имкон беради;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ва давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигида электрон ҳужжат айланмасининг юридик жиҳатдан аҳамиятли бўлишини таъминлаш;

- ҳужжатларни “Ўзархив” агентлиги базасида шакллантириш ва сақлаш тизимини яратиш, бунда ҳисоб тизимлари ишлаб чиқувчиларига мажбурий тартибда очиқ шлюз (API) тақдим этишни назарда тутиш.

15. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзархив” агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда “Ишончли учинчи томон” тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида берилган электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш имконини берувчи “Ягона электрон ҳужжатлар” маълумотлар базасини яратиш ва уни юритиш тартибини назарда тутувчи норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) 2023 йил 1 январга қадар “Ўзархив” агентлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари томонидан жисмоний шахсларга ҳисобланган иш ҳақи ва бошқа даромадларига оид маълумотлари давлат архивига солиқ органларининг ахборот базасидан олиниши таъминлансин.

17. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) икки ой муддатда кичик ва микро бизнес субъектларининг содалаштирилган йиллик молиявий ҳисобот шакллари ишлаб чиқсин.

18. Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, “Ўзархив” агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил _____ даги ПҚ-____-сон
қарорига

ИЛОВА

**Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланадиган статистика ҳисоботи шакллари**

РЎЙХАТИ

Т/Р	Статистика	ҳисоботи	Даврийлиги	Маълумотни	қоплаш
-----	------------	----------	------------	------------	--------

	НОМИ		манбааси
1.	1-биржа шакли – “Биржа фаолияти Тўғрисида _____ йил учун ҳисобот”	Йиллик	“Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси” АЖ “Ўзбекистон Республика валюта биржаси” АЖ “Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси” АЖ “Тошкент” Республика фонд биржаси АЖ
2.	1-мш шакли – «Меҳнат шароитлари аҳволи тўғрисида _____ йил учун ҳисобот»	Йиллик	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
3.	1-нх шакли – “Ҳисобланган иш ҳақи миқдори бўйича ходимлар сонининг тақсимланиши тўғрисида йил ноябр ойи ҳисоботи”	Йиллик	Давлат солиқ қўмитаси
4.	1-темир йўл (умумфойдаланадиган) – «Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти хизматлари тўғрисида _____ йил учун ҳисобот»	Йиллик	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
5.	1-тб шакли – “Тижорат банки фаолияти тўғрисида _____ йил учун ҳисобот”	Йиллик	Марказий банк
6.	1- суғурта шакли – «Суғурта ташкилоти фаолияти тўғрисида _____ йил учун ҳисобот»	Йиллик	Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги
7.	1-кб (қм) (1-кб шаклига илова) - “Кичик курилиш ташкилотлари ва микрофирмаларда мавжуд курилиш машина ва механизмлар тўғрисидаги _____ йил учун ҳисобот”	Йиллик	Курилиш вазирлиги

8.	4-мева сабзавот – “Мева-сабзавот маҳсулотлари хариди тўғрисида ҳисобот”	Чораклик	“Ўзбекизовқатзахира” уюшмаси ва “Ўзагроекспорт” АЖ компанияси
9.	4-кувур йўли – «Кувур йўли транспорти фаолияти тўғрисида ҳисобот»	Чораклик	“Узтрансгаз” АЖ, “Азия Трансгаз” АЖ
